

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА – КУРИЛИШ  
ИНСТИТУТИ

«ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ ВА УНИНГ  
ДУНЁ ИЛМ – ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ»  
махсус курси бўйича ўқув машғулоти

ДАСТУРИ  
ВА  
УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

(олий уқув юртлари)

САМАРҚАНД - 2007

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ  
САМАРКАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА – КУРИЛИШ  
ИНСТИТУТИ

«Ижтимоий фанлар» кафедраси

Чоп этишга рухсат  
Бераман  
Укув ишлар проректори  
\_\_\_\_\_ У. Соатов  
200\_\_\_\_\_

«Укув – услубий ада-  
биётларни чоп этиш»  
секциясида куриб  
чикилган ва тасдиқланган.  
\_\_\_\_\_ сонли баённомаси  
200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

САМАРКАНД – 2007

Ушбу услубий тавсиялар ва ўқув дастури «Хоразм Маъмун академияси ва унинг дунё илм – фани тараққиётидаги ўрни» факультатив курси бўйича тайёрланган бўлиб, олий таълимнинг бакалаврият мутахассислари учун мўлжалланган.

Факультатив курс мазмунидан келиб чиқиб, белгиланган соатлар асосида ўқув соатлари тақсимооти тузилди. Ҳар бир мавзу ўз мазмунига кўра курс умумий мазмунининг мазмунини ёритиб беришга қаратилган. Мавзулар баёни талаба ёшларимизни маданий – тарихий меросимиз, унинг манбалари ва шарт – шароитлари тўғрисида ҳам амалий, ҳам назарий билим ва тасаввур ҳосил қилиш имкониятлари инобатга олиниб ёритилган.

Услубий тавсияларда ҳар бир мавзунинг ёритилиши бўйича аниқ йўналишлар, кўрсатмалар берилган.

Ушбу кўлланамада 3 та мавзу бўйича соатлар тақсимооти, мавзулар баёни, амалий машғулотлар режаси, услубий тавсиялар ва адабиётлар рўйхати берилган.

Тузувчи: фалсафа фанлари номзоди, А. Сафаров.

Такризчилар: тарих фанлари доктори, профессор Ш.Аҳадов.  
Фалсафа фанлари номзоди, доцент К.Хайдаров.

*Бу ҳаёт, бу умр Амударё сувидек тез  
ва шиддат билан ўтиб кетар, лекин  
инсоннинг эзгу ишлари, эзгу хотираси боқий  
яшайди. Ишончим комилки, Хоразм Маъмун  
академияси алломалари бизга, башарият  
аҳлига қолдирган бой илмий мерос завол  
билмайди, ҳеч қачон ўзининг қиммати ва  
аҳамиятини йўқотмайди.*

*Ислоҳ Каримов.*

## К и р и ш.

Мустақиллигимиз тарихига ёзилаётган ҳар бир саҳифада мамлакатимизда содир бўлаётган улкан бунёдкорлик ишлари, маданий юксалиш, маънавий ютуқларимиз муҳрланиб бормоқда. Маънавий – маданий тараққиёт соҳасида амалга ошираётган эзгу ишларимизни дунё эътироф этиб, тан олмоқда.

Мустақил тараққиёт йўлида кечаётган ҳар бир йилимиз буюк ташаббуслар ва тарихий – маданий воқеалар йили бўлиб қолмоқда.

Ўтган йил сарҳисобига назар солар эканмиз, дунё илм – фани тараққиёти тарихида муҳим воқеа бўлиб қолажак Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйини ва бу тантаналарда бавосита “тўйбоши” лик масъулиятини олган ЮНЕСКО нинг иштирокини ғурур билан эслаймиз.

Ана шу тантанали маросимда Ватанимиз, халқимиз, илм – фанимиз ва маданиятимиз тарихини ўрганиш ва қайта тиклаш бўйича кўплаб халқаро анжуманлар ташаббускори, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 2006 йил 2 ноябр куни “Илму маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди” мавзусида нутқ сўзлади. Президентимиз ўз нутқида жаҳон цивилизациясининг дурдонаси сифатида шуҳрат қозонган Хоразм Маъмун академиясининг шонли тарихи, ушбу масканда илму фан билан шуғулланиб, дунёга танилган аллома боболаримиз фаолияти тўғрисида тўхталиб, қайта ташкил этилган ушбу илм даргоҳининг бугунги салоҳияти, истиқболи порлоқ эканлигини такидлаб ўтди.

“Дорул – ҳикма” – Хоразм Маъмун академиясининг умумбашарий миқёсда тарихий хизматларига тўхталиб, юртбошимиз алоҳида белгиладики, Хоразм Маъмун академияси олимлари Шарқ ва Ғарб ўртасида ўзига хос маънавий – маданий кўприк, умуминсоний қадрият ва маданиятлар силсиласида узвий бир халқа вазифасини адо этганлар.

Ёшларимизда тарихий меросимизга чуқур ҳурмат ва эътибор, фахр ва ғурур туйғусини мустаҳкамлаш мақсадида Президентимиз ўз нутқида Хоразм Маъмун академияси фаолияти тарихи ва унинг илмий меросини таълим муассасаларида ўқитиш таклифини киритди.

Ушбу таклиф инobatга олиниб, ижодий ўрганилган ҳолда 2007 йил 25 январда Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлигининг Хоразм Маъмун академиясининг бой илмий меросини ўрганиш бўйича 10 соатлик (6 соат маъруза, 4 соат семинар) факультатив дарс ва семинар машғулотларини ўқитишни ташкил этиш тўғрисидаги Буйруғи эълон қилинди. Буйруқда ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш чора – тадбирлари белгилаб берилган.

Ушбу курсни ўқитишда асосий ўқув – тарбиявий мақсад талабаларга Хоразм Маъмун академияси илмий мероси, унинг тарихий аҳамияти ва жаҳон илму фани ривожига салмоғи тўғрисида чуқур билим, бериш ҳамда ана шундай буюк мерос ворислари бўлган ёшларимизда ғурур ва ифтихор туйғусини шакллантириш сари йўналтирилмоғи лозим.

## ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИ ВА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ.

№	Мавзулар номи	Соатлар тақсимоти	
		Маъруза	Амалий машғулот
1	Хоразм воҳасида қадимий цивилизация, илк давлатчилик асослари ва маданий тараққиёт.	2	
2	Шарқ Ренессанси ва Марказий Осиёда илм – фан тараққиёти. Хоразм Маъмун академиясининг шаклланиши.	2	2
3	Хоразм Маъмун академиясининг қайта тикланиши ва унинг мустақил Ўзбекистон илмий салоҳиятини юксалтиришдаги аҳамияти.	2	2
<b>ЖАМИ:</b>		6	4

## **1 – мавзу: Хоразм воҳасида қадимий цивилизация, илк давлатчилик асослари ва маданий тараққиёт.**

Қадимги Хоразм воҳасида маданий тараққиётнинг илк кўринишлари. Моддий маданият. Ўтроқлашган деҳқончилик маданияти. Илк давлатчилик асослари. «Катта Хоразм» ва «Қадимги Хоразм» давлатлари хусусида тарихчи – хоразмшунос олимлар хулосалари.

Қадимги Хоразм маданияти. Суғориш иншоотлари. Қалъали Қир даври (эр. олд. VI – IV асрлар) ва Қўйқирилган қалъа (эр. олд. III аср) нодир ёдгорликлари. Амалий, тасвирий ва меъморчилик санъати. Шаҳарсозлик, хунармандчилик, кулолчилик ва ҳайкалтарошлик.

Тупроққалъа – қадимги Хоразм давлатининг пойтахти. Илк подшоликлар. Ёзма ёдгорликлар. Қадимги хоразмликларнинг диний эътиқоди ва ёзуви. Аниқ фанларга хос билимларнинг пайдо бўлиши. Маънавий – маданий соҳада мафкуравий тамойиллар. «Авесто» - маданий – тарихий манба сифатида. Зардуштийлик – яккахудолик эътиқоти. «Авесто» нинг бош ғояси.

## **2 – мавзу: Шарқ Ренессанси ва Марказий Осиёда илм – фан тараққиёти. Хоразм Маъмун академиясининг шаклланиши.**

Ренессанс (Уйғониш даври) тушунчаси. Шарқ Ренессанси ва унинг босқичлари. Илк Уйғониш даврида Марказий Осиёда илм – фан ва маданий тараққиётнинг шарт – шароитлари.

IX – XII асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразмда маданий ҳаёт. Дунёвий ва диний билимлар ривожига буюк аждодларимиз ҳиссаси. Ислом ва тасаввуф. Илк ўрта асрларда Хоразмда марказлашаган давлатчилик асосларининг барпо этилиши.

Хоразмшоҳлар бошқаруви даврида илмий тафаккурга эътибор. Хоразм Маъмун академияси («Мажлиси уламо») нинг юзага келишида замин бўлган тарихий шарт – шароитлар. Илмий – маданий марказларнинг ташкил этилиши. Марв илмий Маркази ва унда фаолият кўрсатган олимлар. Марв илмий Маркази Бағдод Маъмун академияси («Байт ул – ҳикма») нинг бошланғич негизи эканлиги.

Бағдод академияси «Байт ул – ҳикма» («Донишмандлар уйи»)да фаолият кўрсатган буюк аллома – ватандошларимиз: Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад ибн Мусо ал – Хоразмий.

Маъмунийлар сулоласи даврида (X аср охири ва XI аср бошлари) ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ҳаёт. Илмий тафаккур соҳибларига эътибор ва ҳомийлик. Маданий турмуш.

Хоразм Маъмун академияси («Мажлиси уламо») нинг ташкил этилиши. Ушбу илм даргоҳининг шаклланишида тарихий шарт – шароит ва маданий омилларнинг роли.

Мазкур илм Марказида олиб борилган илмий изланишлар фаолиятининг асосий йўналишлари.

Хоразм Маъмун академиясида фаолият кўрсатган буюк тафаккур соҳиблари, қомусий олимлар ва уларнинг фан соҳаларида эришган муваффақиятлари. Ибн Ироқ, Беруний, Абу Саҳл ал – Масиҳий, Абул Хайр Хаммор, Абу Али ибн Сино, Абу Мансур ас – Саолобий, Ас Сахрий, Ас – Сахлий Абу Абдулло ал – Хоразмий, Ҳубубий.

Хоразм Маъмун академияси илмий меросининг жаҳон илм – фани тараққиётига таъсири ва тарихий аҳамияти.

### **3 – мавзу: Хоразм Маъмун академиясининг қайта тикланиши ва унинг мустақил Ўзбекистон илмий салоҳиятини юксалтиришдаги аҳамияти.**

Мустақиллик ва миллий кадрларимизнинг қайта тикланиши. Ислом Каримов миллий маънавий тикланишимиз ижодкори ва ташаббускори. Ўтмиш маданий меросига оқилона ёндошув. «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади», «Тарихини билмаганнинг келажаги йўқ», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (И. Каримов).

Миллий тикланишимизнинг ҳаётийлиги ва амалий исботи. Дунё бизни танимокда ва тан олмоқда.

«Хоразм Маъмун академиясини қайта ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони (1997 йил, 11 – ноябрь) нинг моҳияти ва тарихий аҳамияти.

Хоразм Маъмун академиясининг илмий ва ташкилий вазифалари. Фундаментал илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари.

Бугунги кунда Маъмун академиясининг илмий салоҳияти ва унинг Ўзбекистон илм – фанини юксалтиришга йўналтирилганлиги. Академиянинг халқаро илмий марказлар билан ўзаро ҳамкорлиги.

Хоразм Маъмун академиясининг илм – фан, маданият ва маърифат соҳасида белгиланган асосий вазифалари.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР РЕЖАСИ.

**1 – мавзу: Шарқ Уйғониши (Ренессанс) даврида Марказий Осиёда илм – фан ва маданият юксалиши. Маъмун академиясининг шаклланиши.**

Режа:

1. Илк Уйғониш даврида (IX – XII) Марказий Осиёда илм – фан тараққиёти ва маданий турмуш.
2. Хоразмда Маъмунийлар сулоласининг қарор топиши. Маъмун академиясининг ташкил этилиши ва унда фаолият кўрсатган олимлар.
3. Маъмун академиясида илмий изланишларнинг асосий йўналишлари ва ютуқлари.
4. Маъмун академияси илмий салоҳиятининг дунёвий эътирофи ва инсоният илмий тафаккури тараққиётига таъсири.

### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Асарлар, 7 – том. Т., «Ўзбекистон» 1999.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Асарлар, 7 – том. Т., «Ўзбекистон», 1998.
4. Каримов И.А. Илму – маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди. – Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. «Халқ сўзи», 2006 йил. 3 ноябрь.
5. Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар». Т., 1968.
6. Абу Мансур ас – Саолобий. Ажойиб маълумотлар. Т., 1995.
7. Ахадов Ш. Шарқ академияларининг туркистонлик намоёндалари. «Мерос» газетаси. 1995, №10,11.
8. Иброҳимов А. «Бизким, ўзбеклар...» Т.: «Шарқ» 2001. 118, 125 – 126, 129 – 133 бетлар.
9. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи (биринчи китоб). Т.: «Ўқитувчи», 1997. 214 – 218, 232 – 234 – бетлар.
10. Ўзбекистон халқлари тарихи. 1 – жилд. Т.: «Фан», 1992. 103 – 105 – бетлар.

**2 – мавзу: Хоразм Маъмун академиясининг қайта тикланиши ва унинг мустақил Ўзбекистон илмий салоҳиятини юксалтиришдаги аҳамияти.**

Режа:

1. Мустақиллик ва миллий кадрларимизнинг тикланиши. Тарихий меросга муносабат.
2. «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш туғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг моҳияти ва тарихий аҳамияти.

3. Хоразм Маъмун академиясининг илмий изланишлари соҳалари ва асосий йўналишлари.
4. Хоразм Маъмун академиясининг халқаро илмий алоқалари ва ҳамкорлиги.

### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 1998.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Асарлар 7 жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
4. Каримов И.А. Илму – маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди. – Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. «Халқ сўзи», 2006 йил. 3 ноябрь.
5. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида» ги Фармони.
6. Иброҳимов А. «Бизким, ўзбеклар...» Т.: «Шарқ» 2001. 115 – 116, 117 – 127, 134 – 135 бетлар.
7. «Хоразм Маъмун академияси ва унинг дунё илм – фани тараққиётидаги ўрни» /Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган халқаро конференция материаллари/ Тошкент – Хива, 2006.

### МАВЗУЛАРГА ДОИР УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР.

#### **1- мавзу: Хоразм воҳасида қадимий цивилизация, илк давлатчилик асослари ва маданий тараққиёт.**

Мавзунини ёритишда биринчи галда эътибор қаратилиши лозим бўлган омил бу қадимги Хоразм ҳудудида жамият маданий тараққиётининг илк кўринишларидир. Аввало, халқ маданий турмушининг моддий асослари, хусусан, моддий ишлаб чиқариш фаолияти устида тўхталиб, ўтrockлашган деҳқончилик маданияти, ривожланиш заминлари очиқ берилиши мақсадга мувофиқ. Бу ўринда албатта Хоразм воҳасининг табиий географик муҳити, ўтrock деҳқончилик учун имкониятлар яратгани суғориш иншоотларининг барпо этилишига асос бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бундай имкониятлар аввало аҳолининг ўтrockлашуви асосида бир манзилда тўпланиши, иккинчидан, йирик аҳоли истиколат қилиш манзиллари – кишлоқ ва шаҳарлар бунёд бўлишига олиб келди. Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Хоразмга аҳоли миллидан аввалги 1292 йилда кела бошлаган, деб кўрсатади. Шу аснода илмий – тарихий далиллар асосида қадимги Хоразм воҳасида шаҳарсозлик ва қадимги шаҳарлар ҳақида талабаларда тасаввур ҳосил қилишга эришилади.

Талабалар билимини мустаҳкамлаш Хоразм воҳасида археологик қазилмалар натижаси ўларок топилган ёдгорликлар, далилу – ашёлар ҳақида аниқ тушунчалар бериш билан амалга оширилади. Жумладан, қадимги Хоразм маданияти ҳақида гапирганда, албатта Қалъали Қир даври (эр. олд. VI – IV аср) ва Қўйқирилган қалъа (эр. олд. III аср) нодир ёдгорликлари, Тупрок қалъа (II – IV асрлар) топилмалари ўша давр маданияти ривожининг исботи эканлигини тушунтирмак керак. Археологик топилмалар мисолида қадимги Хоразм воҳасида амалий, тасвирий ва меъморчилик санъати ривожланганлиги баён қилинади. Хусусан, Тупроққалъа (II – IV асрлар) топилмаларида кулолчилик буюмлари, сопол идишларга чизилган турли суратлар, геометрик шаклларда акс этган нақшлар, деҳқончилик ва боғдорчиликка оид тасвирлар ва ҳайкалтарошлик ишлари юксак маданият белгиси эканлигидан далолат беради.

Қадимги Хоразм маънавий маданияти тўғрисида тўхталиб, халқнинг диний эътиқоди, маросим ва урф – одатлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга эътибор қаратмоқ лозим. Сўзсиз, бу ўринда асосий манба – зардуштийлик дини ва унинг муқаддас ёзувлари тўплами “Авесто” га эътиборни қаратмоқ керак. Мавзунинг тарбиявий самарасига эришмоқ мақсадида зардуштийлик динининг иймон устунлари ҳисобланган: фикрлар софлиги (эзгу фикр); сўз собитлиги (эзгу сўз); амалларнинг инсонийлиги (эзгу амал) тамойилларининг мазмунидан келиб чиқиб “Авесто”нинг бош ғояси очиб берилмоғи лозим.

## **2 – мавзу: Шарқ Ренессанси ва Марказий Осиёда илм – фан тарққиёти. Хоразм Маъмун академиясининг шаклланиши.**

Хоразм воҳасида ижтимоий турмуш, илмий муҳит ва маданий ҳаёт авваламбор Марказий Осиё ижтимоий тараққиёти, маданий ҳаётининг ажралмас қисми эканлигини назарда тутиб, талабаларга Ренессанс (Уйғониш) даври тушунчаси мазмунини очиб бериш, Шарқ Ренессанси моҳияти, унинг икки тарихий босқичлари: илк Уйғониш (IX – XII асрлар) ва сўнгги Уйғониш (XIV – XVI асрлар) тўғрисида қисқача тўхталиш мавзунинг умумий мазмуни тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилади.

Илк Уйғониш даври маданий ҳаёти ҳақида сўз юритиб, албатта бу даврда диний ва дунёвий билимларнинг шаклланиши заминлари очиб берилади. Илм – фан ривожини ҳақида сўз юритиб, буюк боболаримиз Ал – Фарғоний, Ал – Хоразмий, Форобий, Беруний ва Ибн Сино каби донишмандларнинг илмий мероси, диний билимлар алломалари бўлмиш Замахшарий, Исмоил Бухорий, Исо Термизий, Нақшбандий ва бошқа буюк боболаримизнинг бизга қолдирган бой меросининг аҳамияти талабаларга етказиб берилиши керак.

IX – XII асрларда Хоразмда илмий – маданий муҳит сиёсий жараёнлар билан боғлиқ эди. Ўқитувчи ана шу тарихий давр руҳидан келиб чиқиб, Хоразмда давлатчилик асосларининг шаклланиши, марказлашган Хоразм давлати ва Маъмунийлар сулоласи ҳақида талабаларга тушунча беради. Ушбу сулола ҳукмронлиги даври (992 – 1017 йил)да Хоразмда ижтимоий – сиёсий,

илмий – маданий ҳаётнинг кечиши тўғрисида талабалар қисқа маълумот олишлари керак.

Хоразм Маъмун академияси тўғрисида гапиришдан аввал, ана шу илмий даргоҳнинг шаклланиши заминларига тўхталиб ўтмоқ мақсадга мувофиқдир.

Аввал бошда таъкидлаш керакки, Хоразм Маъмун академияси Ислом дунёсида ташкил этилган иккинчи академия эди. Биринчи академия, яъни Бағдод академияси тўғрисида талабаларга қисқа маълумот бериб, ушбу (Бағдод) академиянинг илмий илдизлари жанубий Туркистон ўлкасига келиб тақалишини тарихий маълумотлар асосида тушунтириб берилса, талабаларда маданий меросга нисбатан ҳурмат ва эътибор, миллий ғурур туйғусини жонлантирган бўламиз. Тарихий факт шуки, Араб халифалигининг бош ҳукмдори Хорун ар – Рашид ўз ҳукмронлиги даврида (786 -809 йил) Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудий бирлиги ноиби этиб ўғли Маъмун ар – Рашидни тайинлайди. Ушбу маъмурий бирлик ҳудуди маркази бўлган Марв шаҳрига Маъмун ар – Рашид Хоразм, Фарғона, Шош, Фороб ва бошқа ўлкалардан олимларни йиғиб ўзига хос Марв илмий Марказини яратди. Ушбу марказда Муҳаммад ал – Хоразмий, ал – Мажусий, Исмоил Жавҳарий, Ҳабаш ал – Ҳосиб, Аҳмад Фарғоний каби туронлик олимлар фаолият кўрсатган. Халифалик тахтига Маъмун ар – Рашид ўтиргач (813 йил), бевоситв унинг хомийлигида Марв илмий Маркази Бағдодга кўчирилади ва Байт ул – Ҳикма (“Донолар уйи”) – “Маъмун академияси” ташкил этилди. Шундан келиб чиқиб, ўқитувчи таъкидлаши лозимки, Шарқ мусулмон дунёсида биринчи академия деб тан олинган “Бағдод академияси” нинг илмий – маънавий илдизлари бизнинг юртимизга келиб такалади. Дарҳақиқат, Марв илмий Марказида фаолият кўрсатган олимлар Бағдод академиясининг ўзагини ташкил этди.

Мавзуни ёритишда аввало Хоразмда Маъмунийлар сулоласи ҳукмронлиги ва шу даврда (992 – 1017 йил) Хоразм давлати иктисодий, сиёсий ва ижтимоий ахволи тугрисида талабаларда аниқ билим хосил қилмоқ керак. Чунки кучли марказлашган давлат, иктисодий юксалиш ва сиёсий барқарорлик маданий тараккиётга, шу жумладан, илм – фан тараккиётига замин бўлиши мумкин. Колаверса, илм – фан ахлига хомийлик қилувчи давлат бошлиғи ҳам бу борада ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, Маъмунийлар сулоласининг қарор топиши, тарихий даврийлиги тўғрисида маълумот бериш мумкин. Аввал бошда Маъмунийлар сулоласи вакилларининг бошқарув даври белгилаб курсатилиши мумкин; яъни: - Маъмун ибн Муҳаммад ибн Ирок (Маъмун I 992 – 997);

- Али ибн Маъмун (997 – 1010);

- Абул Аббос ал – Маъмун ибн ал – Маъмун (1010 – 1017).

Ана шу сулола вакилларида айниқса, Маъмун ибн Маъмун ҳукмронлиги даврида Хоразм давлати қудрати янада ошди. Илмий – маданий муҳит яратилди. Президентимиз сўзлари билан айтганда, Хоразм Маъмун академиясининг пайдо бўлиши бу қуҳна воҳада неча – неча асрлар мабойнида кечган буюк тарихий, иктисодий ва маданий жараёнларнинг қонуний ҳосиласи ва натижасидир.

Машғулот ўтаётган ўқитувчининг маҳорати билан талабалар шу нарсани англаб етиши шартки, Хоразм Маъмун академияси – ўтмиш маданий меросимизнинг ажралмас қисмидир. Тарихимизнинг ана шу бўлагига алоҳида муносабат – ўзликни англаш йўлида дадил қадамдир.

Мавзунинг мазмунини талабаларга етказишда албатта Президент Ислон Каримовнинг Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нуткидан келиб чиқмоқ, шунингдек, ушбу нутқда баён этилган фикрлар ва хулосалар, тарихий далилларнинг маъно – моҳиятини батафсил изоҳлаб бермоқ лозим. Айниқса, президентимиз Хоразм Маъмун академиясининг шаклланиши муҳити, унинг шарт – шароитлари тўғрисида тўхталиб, ушбу илм масканининг дунё цивилизациясидаги оламшумул аҳамияти, ушбу даргоҳда илмий изланишлар олиб бориб, бутун дунёга танилган буюк ватандошларимиз Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий каби боболаримиз номларини фахр ва ғурур билан ёдга олдилар.

Ана шу ғурур ҳиссини талаба ёшларимизга кўчира олсак, дарсимиз тарбиявий мақсадини амалга оширган бўламиз.

Хоразм Маъмун академиясининг илмий салоҳияти тўғрисида тўхталиб, аввало таъкидлаб ўтиш керакки, академияга раҳбарлик қилган Абу Райҳон Беруний бу ерга Шарқнинг машҳур олимларини тўплайди. Улар орасида тиббиёт билимдонлари, файласуфлар, шоирлар, математиклар, астрономлар, тарихчи ва тилшунослар бўлган. Академияда 300 дан зиёд олимлар илмий изланишлар олиб борган ва уларнинг кўпчилиги дунёга танилган. Ана шу олимларнинг айримлари, хусусан, президентимиз тилга олган Абу Райҳон Беруний, Абу Наср ибн Ироқ, Ибн Сино ва бошқа алломалар тўғрисида тўхталиб, уларнинг бу қадар машҳур бўлиши сабабларини очиб бермоқ, бу ўринда уларнинг дунё тан олган кашфиётлари ва асарларини мисол қилиб келтирмоқ мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда Ғарб илм – фани тараққиётидан Шарқ илмининг қанчалар илгарилаб кетганлиги ва бу муваффақиятлар бизнинг аждодларимиз номи билан боғликлигини исботлаб бера олмоғимиз лозим.

Маъмун академиясининг жаҳон илму фани тараққиётидаги оламшумул аҳамиятини олимларнинг илмий кашфиётлари мисолида тушунтириш мумкин. Ернинг шар шаклида эканлиги исботи (Аҳмад Фарғоний), алгебра фани ва алгоритм тушунчалари (ал – Хоразмий), ернинг ўз ўқи атрофида айланиши ғояси (ал – Беруний), “Тиб қонунлари” нинг 500 йил давомида Европада асосий дарслик сифатида ўқитилиши ва ҳаказо.

Президентимиз таъкидлаганидек, Хоразм Маъмун академияси олимлари Шарқ ва Ғарб ўртасида ўзига хос маънавий – маданий кўприк, умуминсоний маданият ва қадриятлар силсиласида узвий бир халқа вазифасини адо этганлар.

**3– мавзу: Хоразм Маъмун академиясининг қайта тикланиши ва унинг мустақил Ўзбекистон илмий салоҳиятини юксалтиришдаги аҳамияти.**

Мавзунинг асосий йўналишини мустақиллик ва миллий тикланишнинг узвий боғликлиги билан белгиламоқ лозим. Бу ўринда мустақиллик шарофати билан миллий кадриятларимиз қайта тикланганлиги, ўтмиш тарихий меросимизга бўлган муносабатнинг ўзгарганлигини ҳаётий мисоллар билан боғламоқ талабалар диққатини тортиши табиий.

Миллий – маънавий тикланишда айниқса юртбошимиз Ислом Каримовнинг беқиёс хизматларини, жонбозлиги ва жонкуярлигини албатта таъкидламоқ лозим. Шу ўринда президентимизнинг ушбу масалага доир қатор асарларини, нутқ ва мақолаларини мисол қилиб келтириб, уларда баён қилинган фикрларнинг маъно – мазмуни таҳлил қилиб берилса, мавзунинг қанчалик долзарб эканлигини талабаларимиз чуқурроқ англайдилар. Айниқса, президентнинг “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”, “Тарихини билмаганнинг келажаги йўқ”, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” каби фалсафий фикрларининг мағзини чақиб берса, ёшларимизнинг тарихимизга, маданий меросимизга бўлган ҳурмат – эътиборини яна бир поғона юқори кўтарган бўламыз.

Тарихимизга оқилона муносабат, унга чуқур ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини айнан президентимизнинг ташаббускорлиги ва фидойилиги тимсолида талабаларга сингдирмоқ ва шу орқали ватанпарварлик хиссини уйғотмоқ мақсадида аввало президентнинг “Хоразм Маъмун академиясини қайта ташкил этиш тўғрисида” ги Фармонининг моҳиятини, ундан келиб чиқадиган вазифаларни, ҳамда ушбу ҳужжатнинг тарихий аҳамиятини тўғри тушунтириб бермоқ керак. Иккинчидан, ушбу мавзунинг мазмун моҳиятини Президентимизнинг Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нуқидан келиб чиқиб батафсил ёритиб бериш албатта дарсимизнинг ўқув – услубий ва тарбиявий аҳамиятини оширади.

Президент Фармонидан келиб чиқиб, қайтадан ташкил этилган Хоразм Маъмун академиясининг бугунги илмий салоҳияти, тадқиқот йўналишлари вазифалари тўғрисида талабаларга батафсил тушунча бермоқ лозим. Хусусан, Президентимиз Фармонида мазкур академиянинг асосий илмий ва ташкилий вазифалари олти йўналиш бўйича белгилаб берилди. Ҳар бирининг мазмунини ёритиш мақсадлидир.

Қайтадан ташкил этилган Хоразм Маъмун академиясида Президент Фармонида белгилаб ўтилганидек, бир неча муҳим йўналишлар бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Улар қуйидагилар: тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология ва биотехнология. Ҳар бир фан соҳаси олдида қўйилган вазифалар авваламбор мустақил Ўзбекистон илмий салоҳиятини ошириш вазифалари билан уйғунлаштирилганлигини англаган ҳолда, буни талабаларга етказиб бермоқ лозим.

Хоразм Маъмун академиясининг бугунги илмий салоҳияти ва унинг Ўзбекистонда фан тарраққиёти истиқболи билан узвийлиги тўғрисида тўхталиб, академиянинг халқаро илмий марказлар билан алоқасини таъкидлаб ўтиш, мавзунинг аниқлигини янада мустаҳкамлайди. Бу ўринда аниқ мисоллар

ёрдамида, президентимизнинг нуткидан келиб чиқиб, халқаро илмий марказлар билан соҳалар бўйича илмий ҳамкорлик ҳақида тўхталиб ўтиш керак.

Бугунги кунда Хоразм академиясида 60 га яқин илмий ходим юқорида баён қилинган олти устувор йўналиш бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда. Академиянинг 16600 китоб фондига эга ахборот – ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда.

Илмий алоқалар ва ҳамкорлик истиқболи аниқ белгиланган. Бугунги кунда Франциянинг Сорбонна ва Жанубий Кореянинг Кёнхи университетлари билан тарих, археология, этнография, биотехнология соҳалари бўйича илмий алоқалар ўрнатилган.

Булардан ташқари Малайзия мультимедия университети, Қирғизистон ФА Тарих институти, АҚШ нинг Хопкинс университети, Саудия Арабистони Подшоҳ Файсал илмий – тадқиқот маркази, Халқаро Ислон университети, Россия ФА Этнография ва этнология институти, Қозоғистоннинг Сулейманов номли шарқшунослик институти, Варшава университети ва бошқа бир қатор илмий марказлар билан ҳамкорлик Меморандуми ўрнатилган.

## Ф О Й Д А Л А Н И Л А Д И Г А Н А Д А Б И Ё Т Л А Р .

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар 1-т. Т.: “Ўзбекистон” 1996.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: ”Ўзбекистон” 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: “Ўзбекистон» 1998.
4. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Асарлар 7т. Т.: “Ўзбекистон” 1998.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Асарлар 7т. Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
6. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Асарлар 7т. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
7. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Асарлар 8т. Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
8. Каримов И.А. “Илму маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди”. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. “Халқ сўзи”, 2006 йил 3 ноябрь.
9. “Авесто” Асқар Маҳкам. Т.: “Шарқ”, 2001.
10. Абу Мансур ас – Саолобий. Ажойиб маълумотлар. Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995.
11. Абу Райҳон Беруний Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т., 1968.
12. Аҳадов Ш. Шарқ академияларининг Туркистонлик намоёндалари. “Мерос” газетаси, 1995, №10 – 11.
13. Бабашев Ф. Хоразм Маъмун академияси – маърифат ўчоғи. Т.: Иқтисод – молия. 2005.
14. Жуманиязов М. Маъмун академияси. Урганч 1994.
15. Иброҳимов А. ”Бизким, ўзбеклар...” Т.: Шарқ 2001.
16. “Мажлиси уламо” (Хоразм Маъмун академияси) ўрта аср Шарқининг йирик илмий маркази. ТДШИ. Илмий – амалий конференция материаллари. Тошкент 2006.
17. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. (биринчи китоб). Т.: “Ўқитувчи”, 1997.
18. “Таълим муаммолари” журнали 2006 йил. №1.
19. “Фан ва турмуш” журнали 2006 йил, № 1–3. Қадимги Хоразм цивилизацияси (махсус сон).
20. Хоразм Маъмун академияси. Илмий монографик тўплам. Тошкент 2005.
21. Хоразм Маъмун академияси ва унинг дунё илм Фани тараққиётидаги ўрни. /Хоразм Маъмун иакадемиясининг 1000 йиллигига бағишланган халқаро конференция материаллари/. Тошкент – Хива 2006.
22. Ўзбекистон халқлари тарихи. 1 – жилд. Т.: “Фан”, 1992.

## МУНДАРИЖА

### КИРИШ

#### ЎҚУВ МАШГУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИ ВА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ.

1 – мавзу: Хоразм воҳасида қадимий цивилизация, илк давлатчилик асослари ва маданий тараққиёт.

2 – мавзу: Шарқ Ренессанси ва Марказий Осиёда илм – фан тараққиёти. Хоразм Маъмун академиясининг шаклланиши.

3 – мавзу: Хоразм Маъмун академиясининг қайта тикланиши ва унинг мустақил Ўзбекистон илмий салоҳиятини юксалтиришдаги аҳамияти.

#### АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР РЕЖАСИ

1 – мавзу: Шарқ Уйғониши (Ренессанс) даврида Марказий Осиёда илм – фан ва маданият юксалиши. Маъмун академиясининг шаклланиши.

2 – мавзу: Хоразм Маъмун академиясининг қайта тикланиши ва унинг мустақил Ўзбекистон илмий салоҳиятини юксалтиришдаги аҳамияти.

#### МАВЗУГА ДОИР УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

1 – мавзу: Хоразм воҳасида қадимий цивилизация, илк давлатчилик асослари ва маданий тараққиёт.

2 – мавзу: Шарқ Ренессанси ва Марказий Осиёда илм – фан тараққиёти. Хоразм Маъмун академиясининг шаклланиши.

3 – мавзу: Хоразм Маъмун академиясининг қайта тикланиши ва унинг мустақил Ўзбекистон илмий салоҳиятини юксалтиришдаги аҳамияти.

#### Фойдаланилган адабиётлар

Чикишбелгилари: Сам ДАКИ. Буюртма № \_\_\_\_\_  
Адади \_\_\_\_\_. Хажми \_\_\_\_\_

